

СОҲА ТИЛ ЛЕКСИКАСИНИНГ СЕМАНТИК МАСАЛАЛАРИ

С.Исмаилова (Нарзиева)

Хитойшунослик факультети Хитой тили ва адабиёти кафедраси
иккинчи курс магистранти

Мақоланинг қисқача аннотацияси: Хитой тили лексикасининг семантикаси ҳақидаги хитой ва ғарб тадқиқотчиларининг назарий қарашлари фонема масалаларини ўрганади.

XXР ташкил топиши ва “очиқ эшиклар” сиёсатидан сўнг, XX асрнинг 70-90 йилларига келиб хитой тили лексикаси янги неологизмлар билан бойиди. Бунинг натижасида, ҳозирги замон хитой тили лексикасини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ошди. Бу эса, замонавий хитой тилининг лексикаси устида чуқур тадқиқотлар олиб бориш заруриятини пайдо қилмоқда. Масалан, соҳа тил лексикаси ҳақида ўз фикрини билдириб Чен Гуанши (1997) шундай таъкидлайди: “Соҳа тилидаги сўзларни “алмаштириб” ишлатиш ёки “умумлаштириш” оддий-содда сўзларни келтириб чиқарди”¹. Мазкур йўналиш ҳозирги замон хитой тили ривожланишида янги тенденциялардан бири. Шуларни инобатга олиб, ушбу китобда ҳозирги замон хитой тили соҳа тили лексикасидаги умумлаштириш ҳолатлари систематик таҳлили келтирилган.

Ҳозирги замон хитой тилидаги соҳа тилининг умумлашувини тадқиқ этишда назарий асослари асосан семантик (семантема 义素 мазмун элементи) назариясига ва тилшуносларнинг таниқли формаси: метафора ва метанимия таянади.

Семантема назарияси. Семантема (义素 yìsù) яна семантик бирлик (语义成分 yìyìfēn чэнгфән), семантик белги (义义 yìyì тэзхэнг) деб ҳам аталади, глоссеманинг (сўзнинг бир маъноси) таркибий қисмидир. Семантема тилшунослик (семантик) таҳлилнинг бир усулидир, сўзнинг глоссемасига нисбатан ўтказилган таҳлилдир, таҳлил натижаси ўлароқ фарқли белги-хусусиятлар аниқланади, шу аснода кичик таҳлил натижасида сўз ва сўз маънолари англашилади.

Семантема назариясининг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақида 梅家驹 [Мэй Жиājū, 1986], 刘谧辰 [Лиú Мìчén, 1988], 周洋 [Зхōу Ўáng, 2011] кабилар қиёсий таҳлил ўтказишган, бу ҳақда қуйида фикр юритилади.

Даниялик тилшунос Елмслевнинг XX асрнинг 40-йилларида нашр этилган “Тилшунослик назариясига кириш” китобида 公羊 [гōнгйáng] – кўчқор, 母羊 [мўйáng] – қўй, 男人 [нанрén] – эркек, 女人 [нўрén] – аёл, 男孩 [нанхái] – ўғил бола, 女孩 [нўхái] – қиз бола, 公马 [гōнгмǎ] – от (нари), 母马 [мўмǎ] – от (модаси) каби сўз бирикмалари устида семантик таҳлил олиб борар экан, 他 [тā] – у (еркак), 她 [тā] – у (аёл), 羊 [йáng] – қўй, 人 [рén] – одам, 儿童 [ёртóng] – бола, 马 [мǎ] – от каби сўзлар ёрдамида

¹ 符准青. 现代汉语词汇 北京: 北京大学出版社, 1985.

юқоридаги сўз бирикмаларнинг маъносини аниқлаш мумкин деб ҳисоблайди².

XX асрнинг 50-йилларида америкалик антрополог Уорд Гуденаф биринчилардан бўлиб семантема ёрдамида турли маданий бирлашмаларга оид қариндошчилик атамалари ўртасидаги муносабатни ўрганди. Аммо бундай семантема таҳлили сўзнинг тўлиқ маъносини очиб беролмасди.

XX асрнинг 60-йилларида америкалик тилшунослар Лемб, Нида, Катз ва Фодор кабилар тез орада антрополог қўллаган семантема таҳлилининг афзалликларини тушуниб етдилар. Бундан ташқари айнан шу усулда сўз маъноларини таҳлил эта бошладилар. Катз ва Фодор ҳаммуаллифликда “Семантиканинг назарий структураси” номли китоб ёзадилар. Мазкур китобда семантика (семасиология), синтаксис ва фонологияни грамматиканинг уч йирик таркибий қисми сифатида эътироф этдилар. Бир вақтнинг ўзида семантема таҳлили шунингдек Франция, Германия, Англия каби Европа давлатларида ҳам кенг тарқалди. Аммо Европада семантема таҳлилинини биринчилардан бўлиб қўллаган олимлар антропологлар эмас балки тилшунослардир, улар фонематик таҳлилнинг таъсири остида ўзларининг бир нечта семантема таҳлили услубларини ишлаб чиқдилар. Нисбатан машҳур тилшунослар орасида франциялик Поттиер, Греймас, германиялик Косериулар алоҳида ажралиб туришди.

Семантема назариясининг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган тилшунослардан бири 高名凯 [Gāo Míngkǎi] дир. У ўзининг “语言论” [“Йййánlùn”, “Тилшунослик назарияси”] китобида биринчилардан бўлиб 义位 [yìwèi] - глоссема, 义素 [yìsù] – семантема атамаларини қўллади, мазкур атамалар ҳозирги замон тилшунослигидаги 义位 [yìwèi] –глоссема, 义素 [yìsù] – семантема атамаларига мос келмасада, улар Хитой тилшунослигига маънодош тушунчалар сифатида таништирилган³. XX асрнинг 80-йилларида Хитой тилшунослари семантема таҳлилинини семантик таҳлилнинг бир кўриниши сифатида қўллай бошлашди.

“Семантема таҳлили”ни хитойлик тилшуносларнинг барчаси ўз қарашлари бўйича тушунтириб ўтишган, 王振昆 [Wáng Zhènkūn], 曹静 [Cáo Jìng] (1983) ларнинг фикрича “Сўз маъносининг семантема таҳлили бу – сўз маъноларини семантемаларга ажратишдир”. 王寅 [Wáng Yín, 1993] нинг фикрича эса, “Семантема таҳлили бу – Сўзнинг маъноларини бир нечта қиёсий қисмлар (элементлар)га ажратишдир”. 贾彦德 [Jiǎ Yàndé, 1999] нинг эса фикрлари қуйидагича: “Семантема таҳлили бу – турли глоссемаларни қиёслаш натижасида, улар ўз ичига олган семантемаларни аниқлашдир”. 张万有 [Zhāng Wànyǒu, 2001] нинг фикрига кўра, “Семантема нуқтаи назаридан амалга ошириладиган сўз маъноси таҳлили семантема таҳлили дейилади, шунингдек, компонентал таҳлил (成分分析法 чéngfēn fēnxīfǎ) деб ҳам аталади”. 苏新春 [Sū Xīnchūn, 2008] нинг фикрича,

² Шмелёв Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. -М.: Наука, 1973.

³ 梅家玛. 义素与义位. 外国语, 1986 (5)

“Семантема таҳлили бу – ҳозирги замон ғарб семасиологиясида қўллана бошлаган сўзнинг ички қисми маъновий структурасининг таҳлил услубидир. У ўзига фонологиядаги фонемаларнинг ҳосил бўлиш ва ўрнатилиш тизими услубини ўзлаштирган бўлиб, муайян тилнинг семантема структурасини таҳлил қилишга ҳаракат қилади, тилнинг маъновий тузилиш услубини, структурасини ва бутун бир тизимни таҳлил этади”. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, семантема таҳлилининг асосий мақсади бу – семантемаларга ажратиш, сўз маъносига муайян шаклга эга, аниқ таъриф беришдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шмелёв Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. -М.: Наука, 1973.
 2. Лееч Г. Семантисс. Ҳармондсвортх: Пенгуин, 1981
 3. 现代汉语行业语泛化研究
 4. 符准青. 现代汉语词汇 北京：北京大学出版社，1985。
 5. 梅家玛. 义素与义位. 外国语，1986（5）
 6. （俄罗斯）格里尼奥夫“术语学”北京，商务印书馆，2011
 7. 现代汉语词典。北京2012年
- Русча –узбекча луғат Тошкент 1986у